

**МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ**

Кимёхон КАМОЛОВА

**ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ВА
ИМОН БУТУНЛИГИ УЧУН
КУРАШ – ДАВР ТАЛАБИ**

монография

**«Kamalak»
ТОШКЕНТ – 2016**

УЎК: 62(072)
КБК: 66.5(5Ў)
К 48

Ушбу китоб ҳозирги даврнинг долзарб мавзуларидан бўлган маънавият ва имон тушунчаларига бағишланади. Унда ҳозирги глобаллашув даврида жамиятда юксак маънавият ва имон бутунлиги учун курашнинг турли хил шакл, усул ва воситалари мавжудлиги ҳақидаги масалалар тадқиқ қилинган.

Мазкур монография Ўзбекистон Республикаси Вазир-лар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривож-лантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг А1-071 Мураккаб ва таҳликали замоннинг маънавий таҳдидларига қарши мафкуравий кураш воситалари комплексини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш мавзусидаги илмий-амалий дастур бажарилишининг 2016 йил учун мавзуидаги амалий грант дастури доирасида бажарилган бўлиб, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларига, динишунослик, сиёсатишунослик ва маънавият муаммолари билан қизиқувчи мутахассислар ва кенг китобхонларга мўлжалланган.

КБК: 5(Ў)7

Маъсул муҳаррир:

М.Қуроноф,

педагогика фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: ф.ф.н. Ш. Тоғаев

П.ф.н. З.Қосимова

Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази Кенгашининг 2016 йил 05.09. №3-сон баённомаси билан нашрга тавсия қилинган.

ISBN 976-9943-4346-4-1

©К.Камолова

© “Kamalak“ нашриёти, 2016

КИРИШ

“... инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади.

Ислом Каримов

Ўзбекистон мустақиллик шарофати билан жаҳонга юз тутди, тараққий этди. Ўзбек халқи эса ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар кўйиб, инсонпарвар ҳукукий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти шаклланиши учун астойдил курашаётган тарихий бир замонда яшамокда.

Биринчидан, Она табиатимиз Ноосфера – Ақл соҳаси босқичига ўтгач, қандай қилиб бўлса-да, дунёдаги барча одамлар миллати, ирки, синфи, диний эътиқоди ва бошқа ижтимоий хусусиятларидан қатъий назар, битта турга мансуб эканини англаши, шу жараёнда одам одам учун энг Олий қадрият бўлиб қолишига эришиш ниҳоятда муҳим вазифага айланиб бормоқда. Бунда биринчидан, одамзот руҳини поклаш соҳасида тўпланган тарихий тажрибаларни умумлаштириб, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина”¹ тарихий вазифаларни бажариш учун фидойилик кўрсатиши мумкинлиги тўғрисидаги қарашлари шу йўналишда жиддий илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни тақоза этмоқда.

Иккинчидан, Ислом Каримов “бизнинг маънавий ҳаётимиз икки асос, икки таянч нуқта – дунёвийлик ва динийлик устида мустаҳкам туриши, мабодо булардан биронтаси бўшашса, яна ўзгаларга тобе ва қарам бўлиб қолишимиз мумкинлигига”

¹Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият” нашр., 2008. –Б. 19.

жиддий эътибор қаратди. Шу муносабат билан имон муаммосига ақидавий ёндошувлар хатолигини фалсафий жиҳатдан асослаб, имон бутунлиги, эътиқод собитлиги учун курашда республикамизда илм ва дин аҳли иттифоқини вужудга келтириш имкониятларини воқеликка айлантириш йўллари, воситаларини излаб топиш муаммоси ўз ечимини кутмоқда.

Ушбу монографияда маънавият ва имон бўйича амалга оширилган фалсафий таҳлиллар ва улар асосида қилинган илмий тахмин (гипотеза)лар натижасида имон бутунлиги, эътиқод собитлиги учун илм ва дин аҳли олиб борадиган ялпи умумий кураши орқали юксак маънавиятга асосланган жамиятдагина баркамол инсон ва баркамол авлод етишиб чиқиши мумкинлиги ҳақида сўз боради.

Демак, юқоридаги фикрлардан шунини англаш мумкинки, ҳозирги шароитдаги одамлар юксак маънавиятга, қатъий имон-эътиқодга эга бўлиши давр тақозоси бўлиб турибди. Ушбу монография ана шу масалага бағишланган.

І БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МАЪНАВИЯТ БИЛАН ИМОН ЎРТАСИДАГИ ТАРИХИЙ АЛОҚАДОРЛИКНИ АНГЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

“ГЛОБАЛЛАШУВ”, “МАЪНАВИЯТ” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ АҲАМИЯТИ.

Ҳозирги даврда “глобаллашув” сўзи энг кўп ишлатиладиган тушунчалардан бири бўлиб қолди. Чунки ушбу тушунча инсон ва жамият ҳаёти ривожининг муҳим хусусиятларини, шу билан ўта шиддатли ва мураккаб воқеликни ўзида мужассам этади. Эндиликда тез-тез кулоққа чалинадиган, барчани сергакликка чорлайдиган ушбу сўзнинг фалсафий маъноси нима? Унинг инсоният учун қандай аҳамияти бор? Умумий жиҳатлари нималарда намоён бўлади? каби саволлар ўз жавобини кутмоқда.

“Глобаллашув” тушунчасининг ўзаги бўлмиш “глобал” сўзи француз тилидан олинган бўлиб, “ялпи, умумий, ҳар томонлама” деган маъноларни англатади.

Глобаллашув (*лот, globus – “шар”, “Ер сайёраси”*) – XX асрнинг иккинчи ярми, XXI аср бошида жаҳон тараққиётида шаклланган ва илмий-техника тараққиётининг янги, юқори босқичи билан узвий боғлиқ умумсайёравий тартиботлар, давлатлар ва одамлар ўртасида ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозоридаги интеграциялашув, атроф-муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданиятнинг кенг тарқалиши, ахборот-мафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб боришини ифода этувчи тушунчадир².

“Глобаллашув” атамаси ҳақида дастлаб америкалик олим

²Фалсафа: қисқачи изоҳли лугат. – Т.: “Шарқ нашр”, 2004. –Б.162.

Т. Левитт 1983 йили “Гарвард бизнесревью” журналида чоп этилган мақолада ёзган. 1985 йилда эса таниқли америкалик олим Р.Робертсон “Globalization” иборасини илмий мулоқотга киритиб, бу тушунчани “одамлар онгида сайёрамининг торайиши ҳамда дунёнинг яхлит тарзда англаниши”ни акс эттириб, “дунёнинг бирлашуви ва одамлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кучайишини” ифода этадиган жараён сифатида талқин этади.

Глобаллашув тушунчасига Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида шундай таъриф беради: “Глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён муғлақо янгича маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва, шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда. ...”³. Ушбу таъриф билан Президент глобаллашувнинг кўпгина қирраларига тўхталиб ўтган.

Назаримизда глобаллашув жараёнида қуйидагилар кўзга яққол ташланади:

а) *глобаллашув* – табиий-тарихий жараён бўлиб, инсоният тамаддуни ривожининг ички эҳтиёжларини ифода этади;

б) *глобаллашув* ижтимоий алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашуви оқибатида сайёрамининг миқёсида иқтисодиёт, техника ва технология, ахборот коммуникацияси, сиёсат, ҳуқуқ, бошқарув ва бошқа соҳалардаги интеграциялашув жараёнларининг кучайиши оқибатида вужудга келган, ўзига хос тузилма ва институтларга таянган ҳолда фаолият юритадиган мураккаб тизим;

³Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият” нашр., 2008. –Б. III-III2.

в) *глобаллашув* жараёнининг тобора кенг кўламда намоён бўлиши жамият ҳаёти, одамлар турмуш тарзи ва менталитетига жиддий таъсир кўрсатади;

г) *глобаллашув*нинг замонавий тамаддун ривожининг юкори босқичи сифатида маданият билан ўзига хос муносабатлар тизими шаклланиб бормоқда.

Эндиликда Ўзбекистонда, бир томондан, *глобаллашув* жараёнининг афзалликларидан (жумладан, иқтисодийнинг барча соҳаларини замонавий техника ва технологиялар асосида технологиялаштириш, инвестицияларни кенг жалб этиш, жаҳон бозорига интеграциялашув ва ҳ.к.) оқилона фойдаланиш, иккинчи томондан, унинг салбий таъсирини (дунёнинг етакчи давлатлари ва трансмиллий корпорацияларнинг табиий захираларга эгалик қилишга интилиши, демократияни силжитиш стратегиясининг амалга оширилиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, терроризм ва экстремизмнинг глобал тус олиши ва ҳ.к.) бартараф этиш борасида пишиқ-пухта ўйланган изчил сиёсат олиб борилмоқда⁴.

Глобаллашув жараёни жамият ҳаётининг барча соҳаларига шиддат билан кириб бориб, объектив ва субъектив шарт-шароитлар таъсирида турлича намоён бўлмоқда. Шу боис ушбу феномен “ижтимоий ҳаётнинг турли тузилмалари, алоқа ва муносабатларини бутун Ер шари микёсида бир бутунга айланиши”⁵, “фан, техника, технология ютуқларининг оммавийлашиши”⁶, “цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши”⁷, барча давлатлар ва миллатларнинг ягона

⁴Назаров Қ. *Маънавият асосий тушунчалар изоҳли лугати. Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.* –Т.: 2009. –Б.119.

⁵Чумаков А.Н. *Глобализация, контуры целостного мира.* –М.: изд. “Прспект”, 2005. с. 31.

⁶Ташанов А. *Вайронкор зоялар ва бузгунчи мафкуралар.* – Т.: “*Turon zamin ziyo*” нашр., 2015. –Б.86.

⁷Мадрахимова Ф. *Глобаллашув ва оммавий маданият.* – Т. “*Chashma print*” нашр., 2013. –Б.47.

иктисодий-сиёсий, маънавий тизимга тобора бирлашуви ва интеграциялашувига олиб келувчи объектив ва қонуний жараён”⁸ “совуқ уруш” тизимини алмаштирган тизим”⁹, “кишилиқ жамиятидаги маҳаллий аҳамиятга молик маконларнинг бир тизимга бирлашуви”¹⁰, “...умумсайёравий цивилизациянинг шаклланиш тенденцияси”¹¹ ва шуларга ўхшаган иборалар орқали турлича таърифланмоқда. Бизнинг назаримизда, глобаллашув жараёнининг мазмун-моҳияти ҳақидаги фикрлар хилма-хил, аммо уларни бирлаштирувчи умумийлик шундан иборатки, дунё бўйлаб глобал тараққиётда янги имкониятлар ҳамда муаммолар вужудга келаётганлигини англаш ва шунга мувофиқ жаҳонда янгича муносабатлар вужудга келишини эътиборга олган ҳолда маъноси ва мақсад-муддаосини белгилаб, баркамол авлодни тарбиялаш ишларини такомиллаштиришни тақоза этмоқда.

Маълум бўладики, глобаллашув инсоният тамаддуни маҳсулидир. Энг ачинарли томони шундаки, у нафақат ижобий, балки салбий жараёнларнинг ҳам дунёга кенг тарқалишига, илгари одамзот дуч келмаган муаммоларнинг юзага чиқишига ҳам туртки бўлмоқда. Ушбу “ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви”¹² жараёнида жамиятлардаги мавжуд ахлоқий стереотипларнинг жадаллик билан ўзгариши юз

⁸Юлдашева Ф. Глобаллашувнинг моҳияти ва зиддиятлари. // “*Jamiyat va boshqaruv*” журнали, 2009. 3-сон, –Б.16

⁹Отамуродов С.Глобаллашув ва миллат. –Т.: “Янги аср авлоди” нашр., 2008. –Б. 12.

¹⁰Хусейнова А. Миграция ва унинг ижтимоий-маънавий муҳитга таъсири хусусида. // “Фалсафа ва ҳуқуқ” журнали, 2008. 1-сон, –Б.14.

¹¹Михманова Х.Н. Кўпмиллатлиликнинг Ўзбекистонда демократик жамият қуришидаги ўрни (фалс.фан. номзоди даражасини олиш учун ёзилган дисс). –Т.: ЎЗМУ. 2005. –Б.24.

¹²Каримов И.А. Юқсак маънавият – энгилмас куч. –Т.: “Маънавият” нашр., 2008. –Б.111.

бермоқда, оқибатда кўплаб одамлар ўз миллий, шахсий, ахлоқий кадриятлари, идеалларининг кадрсизланиши шароитида маънавий-руҳий ўзлигини йўқотмоқда. Мазкур жараён эса давлатлар, миллатлар учун фожиали оқибатларни келтириб чиқармоқда. БМТ собиқ Бош котиби Кофе Анан бу ҳақда тўхталар экан: “миллионлаб ва миллионлаб фуқаролар ўзларининг шахсий тажрибаларидан шунга амин бўлмоқдаларки, глобаллашув тақдирнинг мукофоти эмас, балки уларнинг одатга айланиб қолган турмуш тарзини барбод қилувчи кучдир”,¹³ – деб таъкидлаганди.

Муайян ҳудудда юзага келган, умуминсоний мазмунга эга кадриятлар, маънавий-маърифий ишлар глобаллашув таъсирида ўзи шаклланган макон доирасидан чиқиб байналминаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Шу билан бирга, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишдаги турфа хиллик, этник, маданий, конфессионал, ирқий, минтақавий ёки бошқа шакллардаги ўзига хосликларни мутлақлаштириш инсоният истиқболига жиддий хавф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг мафқуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда.

Ҳозирги даврда давлатимизда глобаллашув қандай ҳолда намоён бўлмоқда? Миллий маънавиятимизга, ўзлигимизга таъсири қандай бўлмоқда? Баркамол авлод тарбиясига боғлиқлик жиҳатлари нималардан иборат? Нима учун глобаллашув деганда одамлар онгида кўпроқ салбий маънодаги тушунчалар шаклланиб қолмоқда?

1.Энг асосий сабаблардан бири глобаллашув асосида Ғарб манфаатларининг ётиши¹⁴. Шунинг учун ҳам тараққиёт

¹³Ҳусейнова А. Миграция ва унинг ижтимоий-маънавий муҳитга таъсири хусусида. // “Фалсафа ва ҳуқуқ» журнали, 2008. 1-сон, –Б.14. Отамуродов С.Глобаллашув ва миллат. –Т.: “Янги аср авлоди ” нашр., 2008. –Б.42.

¹⁴Қаранг. Зиновьев А.А Глобальный человек. – М.: 2003. –С.19-20.

жараёнида Ғарб мамлакатларининг миллий менталитетимизга, маънавиятимизга тўғри келмайдиган маданиятлари, турмуш тарзлари ҳам кириб келмоқда.

1. Информацион воситаларнинг, яъни, уяли телефон, телекоммуникациялар ва ахборот нашрларининг турли-туманлиги ва ушбу воситалар орқали таклиф этилаётган “қадриятлар” кўп ҳолларда ёшларни миллий қадриятлардан узоқлаштириб, Ғарб давлатларининг қадриятларини устун қўйишга олиб келмоқда.

2. “Оммавий маданият” кўринишлари асосан баъзи ёшларнинг кийинишида, қизиқишларида, бўш вақтни бесамар ўтказишда, миллий қадриятларга муносабатда намоён бўлмоқда. “Оммавий маданият” Ғарб маданияти қадриятларини ўзида ифода этиб, ёшларда эгоцентризм, нигилизм, андишасизлик, беҳаёлик ва зўравонлик, ғарбона индивидуализм, миллий қадриятларга ва ижтимоий манфаатларга беписандлик билан муносабатда бўлиш каби иллатларни келтириб чиқаради.

3. Айрим ёшлар хорижда кенг тарқалган ахлоқий ва маънавий юриш-туриш андозаларининг кино-фильмлар, мода ва турли хил рекламалар орқали намоёиш қилинаётган ғарбона идеалларга таклид қилиб, уларга кўр-кўрона эргашиш ҳолатлари кўпаймоқда.

4. Интернет ва бошқа воситалар орқали кибермаданият шакллантирилмоқда ва бу орқали шахс, жамият ва давлатга таҳдиднинг турли кўринишлари намоён бўлмоқда.

5. Глобаллашув даврида “универсал қадриятлар” сифатида “эркинлик”, “демократия”, “поп-маданият”, “поп-психология” каби жараёнлар ҳаётга кириб келмоқда.

Шунинг учун ҳам глобаллашув деганда унинг ижобий жиҳатидан кўра салбий томонлари кўпроқ кўзга ташланади. Ёш авлодни бундай хавф-хатарлардан асраш учун нима қилмоқ керак? Ёш авлод ҳозирги янги технологиялар билимларини чуқур ўзлаштиришса-ю, улардан оқилона фойдалана олмаса нима бўлади? Ўзбекистон Республикасининг биринчи



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4686> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4686> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4686>